

Қуръондан таъсирланган қария



16:36 / 08.01.2019 5635

Қатода ибн Диъома исмли олим ҳикоя қилади:

«Басра шаҳрида Утба ибн Абон исмли зоҳид, тақводор, маҳзунликда Ҳасан Басрийга ўхшаган, доим рўза тутадиган киши яшаб ўтган бўлиб, унинг Мисвар исмли кекса бир қўшниси бор эди. Қўрқуви қаттиқлигидан Қуръонни тинглашга бардоши етмасди. Агар унинг олдида Қуръондан бирикки ҳарф ёки оят ўқилса, қаттиқ қичқириб, бир неча кун ақлини йўқотгандек юрарди. Бир куни унинг ёнига Хасъам қабиласидан бир киши келди. Келиб, ёнига ўтиргач, Қуръони каримдаги:

????? ????????? ????????????????? ?????? ?????????????????

????????

«Тақводорларни Роҳман ҳузурига меҳмон ҳайъати этиб тўплаган кунимизда»

????????? ?????????????????? ?????? ?????????????? ??????????

«Жиноятчиларни жаҳаннамга чанқоқ ҳолларида ҳайдаймиз» (Марям сураси, 85–86-оятлар) оятларини ўқиди.

Бунни эшитган қария: *«Мен жиноятчиман. Тақводорлардан эмасман. Эй қори, ҳозир ўқиган оятларни яна ўқи!»* деди. Бояги киши оятларни яна ўқиди. Қария баланд овозда бақриб, *«Оҳ!»* деди-ю, омонатни топширди».